

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 1 -сон
ҚАРОРИ

2021 йил 24 июль

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПК-5083-сон “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан:

1. “Қизилқумгеология”, “Самарқандгеология”, “Сурхонгеология”, “Ҳисоргеология”, “Тошкентгеология”, “Марказий лаборатория” ва “Геобуртехника” акциядорлик жамиятларини қўшиб юбориш йўли билан улар негизида “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 июлдаги 02/1-1022-сон топшириғига асосан Исмоилов Хасан Усманович “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига тайинлашга розилик берилганлигини инобатга олган ҳолда Исмоилов Хасан Усманович “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин.

3. Юқорида кўрсатилган акциядорлик жамиятларининг акцияларини номинал қийматида айирбошлаш жараёнида жами 1 477,74 (бир минг тўрт юз етмиш етти сўм қирқ етти тийин) сўм миқдорида қолдиқ қиймат шаклланганлиги инобатга олган ҳолда, “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг устав капитали 801 287 351 200 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз эллик бир минг икки юз) сўм миқдорида тасдиқлансин ва номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 8 012 873 512 (саккиз миллиард ўн икки миллион саккиз юз етмиш уч минг беш юз ўн икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 100 фоиз давлат улуши сифатида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамият устав капиталига

берилаётган активлар ва “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамият устав капитали ўртасидаги 77 сум 74 тийин фарқ “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олиниши белгилаб қўйилсин.

4. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг ижро аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевичга “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори қарорларини имзолаш ваколати берилсин.

7. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Х.У. Исмоиловга “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш, шу жумладан “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Уставини ва акциялар чиқарилишини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш топширилсин.

Таъсисчи (акциядор) номидан

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазири



Т. Ишметов

Ягона акциядорнинг 2021 йил
24 июлдаги 1-сон Қарорига
1-ИЛОВА

Тошкент шаҳар Миробод тумани
Давлат хизматлари маркази
томонидан 2021 йил “__” июлдаги
_____-сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“O’zbek geologiya qidiruv” акциядорлик
жамиятининг
Ягона акциядорининг
2021 йил 24 июлдаги
1-сон Қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“O’ZBEK GEOLOGIYA QIDIRUV” AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

Тошкент – 2021 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “O’zbek geologiya qidiruv” акциядорлик жамиятининг ушбу Устави Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “O’zbek geologiya qidiruv” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Жамиятнинг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил ____ июлдаги 1-сон қарори билан таъсис этилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ номи:

давлат тилида – “O’zbek geologiya qidiruv” aksiyadorlik jamiyati (қисқартирилган фирма номи – “O’zbek geologiya qidiruv” AJ) ёки кирилл алифбосида “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик Жамияти (қисқартирилган номи – “Ўзбек геология қидирув” АЖ);

инглиз тилида – “Uzbek geological exploration” joint-stock company (қисқартирилган номи – “Uzbek geological exploration” JSC);

рус тилида – Акционерное общество “Узбекгеологоразведка” (қисқартирилган номи – АО “Узбекгеологоразведка”).

1.5. Жамиятнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко 11а уй, почта индекси - 100060.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzgeo.uz

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzgeo.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият давлат тилида тўлиқ ёзилган номи ҳамда юридик манзили кўрсатилган асосий муҳрга, ёрдамчи муҳрлар, штамплар ва расмий бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.6. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.7. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Агар Жамиятнинг банкротлиги Жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда кўрсатиб ўтилган тақдирдагина эга бўлади.

2.10. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор Жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина Жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.11. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.12. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг филиалларини ташкил этиши ва ўз ваколатхоналарини очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав билан белгиланган тартибда тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида – хорижий мамлакатларда филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.13. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик Жамияти ёки масъулияти чекланган Жамият шаклидаги шўъба ёки тобе хўжалик Жамиятларига эга бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

3.2. Жамиятнинг фаолиятидан асосий мақсад республиканинг барча ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, конларни излаш, баҳолаш ва қидириб чамалашни ўз ичига олган геология - қидирув ишларини олиб боришдан иборат. Бундан ташқари аналитик, тематик ва регионал геологик тадқиқотлар ва лаборатория таҳлили, топографик, геологик тасвирлаш ва хариталаш ишлари, ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш, баҳолаш, разведка қилиш ишларини олиб боради.

3.3. Жамият ўзининг асосий мақсадидан келиб чиқиб, фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

➤ башоратли ресурсларга геологик салоҳияти бўлган майдонларда рангли ва қимматбаҳо металлларни излаш, уларнинг истиқболларини аниқлаш мақсадида геологик қидирув, ишларини олиб боради;

➤ рангли ва қимматбаҳо металллар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун геология - қидирув ишларини босқичма-босқич (излаш, баҳолаш ва қидириш) олиб бориш;

➤ рангли ва қимматбаҳо металллар башорат ресурсларига эга бўлган майдонларда фойдали қазилма конларини қидириб топиб, уларнинг захираларини аниқлаш мақсадида геологик қидирув, баҳолаш ва разведка ишларини олиб боради;

➤ рангли ва қимматбаҳо металллар ва бошқа фойдали қазилма конларида,

геологик-қидирув ишлари олиб боришда замонавий услублар ва технологияларни жорий қилади;

➤ рангли ва қимматбаҳо металллар истиқболли майдонларни топиш учун илмий-тематик ишларини олиб бориб, башоратли ресурслари мавжуд майдонларнинг майда, ўрта ва йирик масштаби геологик хариталарини яратади.

3.4. Жамият ўз фаолияти мобайнида ўзининг асосий вазифаларига мувофиқ:

➤ ер қаърини геологик ўрганиш соҳасида Жамиятнинг узоқ муддатли, ўрта муддатли ва йиллик дастурларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасига (кейинги ўринларда – Геология қўмитаси) тақдим этади;

➤ ўз ваколати доирасида давлат бюджети ва махсус маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геологик-қидирув ишларини олиб бориш учун лойиҳа ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва Геология қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этади;

➤ ўз ваколати доирасида олиб борилган геологик-қидирув ишлари натижасини ифодаловчи ҳисоботларни Геология қўмитасига тақдим этади;

➤ Жамият вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фойдали қазилма конларини қидириш ва баҳолаш ишларини олиб бориш мобайнида Геология қўмитасига қўшимча тақлифларини тақдим этади;

➤ Геология қўмитаси тасарруфидаги Жамиятлар, бошқа ташкилотлар ва алоҳида ижрочилар билан бирга шартнома асосида Жамиятга берилган геологик топшириқларни бажариш учун субпудрат шартномаларини шакллантиради, тузади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

➤ юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Геология қўмитаси билан келишилган ҳолда хорижий инвесторларининг буюртмалари бўйича шартнома асосида геологик-қидирув ишларини олиб боради;

➤ Жамият етакчи мутахассислардан иборат Илмий-техник кенгаш (ИТК) тузади, ИТК ҳақидаги Низом Жамиятнинг Бошқарув органи томонидан тасдиқланади;

➤ белгиланган тартибда ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ноширлик фаолиятини амалга оширади;

➤ Жамият ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ишлаб чиқаришнинг бехатар шароитларини яратиш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, санитария ва экология нормалари, геологик-қидирув ва ёрдамчи ишларни олиб бориш хавфсизлиги қоидаларининг талабларига риоя этилишини таъминлайди;

➤ олиб борилаётган геологик-қидирув ишларининг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

➤ давлат сири бўлган маълумотларни махфийлигини таъминлайди, махфий маълумотларнинг сақланишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади, тижорат сири бўлган маълумотларни муҳофаза қилиш таркиби, ҳажми ва тартибини белгилайди;

➤ Жамият объектларининг ва аҳоли яшаш жойларининг фуқаролик муҳофазаси бўйича чора-тадбирларини амалга оширади.

3.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) НИНГ МИҚДОРИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 801 287 351 200 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз эллик бир минг икки юз) сўмни ташкил этади ва ҳар бирининг номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 8 012 873 512 (саккиз миллиард

ўн икки миллион саккиз юз етмиш уч минг беш юз ўн икки) дона оддий акцияларга бўлинади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш

4.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.5. Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ягона акциядор қарорида жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржадан ташқари бозорга чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

4.6. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

4.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорида мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш

4.9. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.10. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, Жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга ҳақли эмас.

4.11. Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисида ягона акциядор қарор қабул қилинган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав (устав капитали)ни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

5.2. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5.3. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

5.4. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошладиган ва тугалладиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.6. Жамият бир йилда бир марта молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамият устав фондининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

6.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамиятнинг Бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Бошқарув органи.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори Бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда май-июн ойларида ўтказилади.

8.3. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, Бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

8.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.5. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда

расмийлаштирилиши керак, Жамиятнинг имтиёзли акциялари ушбу Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда ушбу бобнинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамият устав фондини кўпайтириш;
- Жамият устав фондини камайтириш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг Бошқарув органини шакллантириш ҳамда унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунинг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Қонуннинг VIII-бобида асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Қонуннинг IX-бобида асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг Бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

➤ ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини миқдорига кўра Кузатув кенгашига ва (ёки) Бошқарув органига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) сақлаш харажатини қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият Бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

➤ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

8.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлар фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

8.9. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига мувофиқ чақирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан ва уларнинг камида 30 фоизи хорижий малакали мутахассислардан иборат.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

➤ Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Бошқарув органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

➤ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

➤ Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг Бошқарув органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият Бошқарув органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарув органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Тафтиш комиссияси аъзоларига (Тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўъба ва тобе ҳўжалик Жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик Жамияти ёки масъулияти чекланган Жамияти шаклларида тузилади);
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- лозим бўлса, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг Бошқарув органининг Бошқарув раиси ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

➤ энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши.

9.4. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.5. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайланиши мумкин.

9.6. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил қилади, Жамият Бошқарув органи – Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолайди.

9.7. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.8. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

9.9. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

9.10. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.11. Мажлисда Кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

9.12. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

9.13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

Х. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял Бошқарув органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқаруви 6 (олти) кишидан иборат бўлиб, бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

10.2. Бошқарув Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.4. Жамият Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, Бошқарув раиси ўринбосарлари Кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Жамият Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бунда Жамиятнинг Бошқарув лавозимларига камида 3 нафар малакали хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

10.5. Бошқарув раиси ва унинг аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

10.6. Бошқарувнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.7. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.8. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
 - Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
 - Жамият номидан ишончномаларни бериш;
 - ўз ваколатлари доирасида, Жамият номидан битимлар тузиш;
 - ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
 - Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси штатларини тасдиқлаш ва унинг раҳбарини тайинлаш;
 - Жамиятнинг барча ходимлари, акциядорлик жамиятлари ва ташкилотлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;
 - Жамият Кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок этиш;
 - банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
 - Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
 - давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш.
- 10.9. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
 - Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;
 - акциядорлик жамиятлар, ташкилотлар, ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Жамият Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;
 - Жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
 - Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;
 - Жамиятнинг ваколатли Бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг ягона акциядори, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Жамият аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизгача бўлган миқдорда битим тузиш. Бунда Жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият Бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни Жамият Кузатув кенгашига етказиш;

- Жамиятнинг репутация рискларини бошқариш;

- Жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.10. Бошқарув раиси ва унинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

Бошқарув мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамиятнинг Бошқарув органи тўғрисида”ги низом асосида фаолият олиб боради.

XI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат бўлади.

11.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органи молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

11.3. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

11.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг Бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.5. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш

йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

➤ Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

➤ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.7. Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазмунига қўшимча талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

11.8. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Тафтиш комиссияси мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

11.10. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

11.11. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом асосида тартибга солинади.


ХП. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ» АЖ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ



АЖ Марказий бошқарув ходимлари - 136 нафар

Жами: 3674 – нафар